

ДИНИЙ АФСОНАЛАРНИНГ ТЕМАТИКАСИГА ДОИР

У.А.Жуманазаров - профессор

Жиззах давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: афсона, миф, культ, авлиё ва анбиёлар, патронлар, пирлар, касб-кор пирлари, эр хубби, хуббининг онаси, Нажмиддин Кубро, Нух, Довуд пайгамбарлар, муғуллар.

Ключевые слова: легенда, миф, культ священник, патрон, наставник, профессиональный наставник, богатырь Хубби, мать Хубби, Нажмиддин Кубро, Нух, пророк Давуд, монголы.

Key words: legend myth, cult, priest, patron, tutor, professional tutor, a hero Khubbi, Khubbi's mother, Najmiddin Kubro, Nukh, a prophet Davut, Mongols.

Ўзбек халқ афсоналари таркибида диний характердаги материаллар салмоқли ўрин эгаллайди. Бунга сабаб қадимги туркий халқлар мифологиясидаги культлар ҳақидаги афсоналарга ислом дини билан алоқадор авлиё ва анбиёлар ҳақидаги афсоналарнинг ҳам келиб қўшилиши ҳисобланади. Шу сабабдан ўзбек диний афсоналарини шартли равишда икки қатта қисмга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Биринчи гуруҳ Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда яшаган қабил ва уруғларга мансуб қадимги культлар ҳақидаги афсоналардан ташкил толган. Иккинчи гуруҳни эса исломга алоқадор авлиё ва анбиёлар ҳақидаги афсоналар ташкил этади. Бундай афсоналарнинг типик намуналари Рабғузийнинг «Қиссасул анбиё»сида жамланган.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, қадимги культлар, патронлар, пирлар ҳақидаги афсоналар ҳам кейинчалик исломлаштирилди. Бироқ қай даражада исломлаштирилмасин, улардаги етакчи ғоялар, персонажлар моҳияти ўзларининг қадимий илдизларини йўқотмаган.

Қадимги культлар ҳақидаги афсоналар. Маълумки, ўтмишда ҳар бир касб – корнинг ўз пирлари бўлган ва мабодо агар бирор киши касб ёки ҳунарни эгаллашга киришса, албатта ана шу пирларга сўраши, улардан мадад сўраши лозим бўлган. Ана шу пирларга ҳурматсизлик билан қараганлар эса муқаррар суратда ҳалокатга ёки муваффақиятсизликка йўлиқади, деган қараш ҳукмронлик қилган. Бинобарин, халқ ана шу пирларни культ сифатида улуғлаб, муқаддаслаштириб, улар ҳақида турли – туман афсона ва ривоятлар, дostonлар, қўшиқлар яратганлар. Бундай материаллар эса халқ ўртасида оғиздан – оғизга ўтиб, қайта сайқал топиб борган ва пирларнинг образлари тобора илоҳийлаштирилиб борилган. Мана шундай қадимий культлардан бири Амударё хомийси Хубби бўлиб, у ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жуда кенг тарқалган.

«Айтишларича, Фаридун ва Жамшид подшолик қилмасдан кўп вақтлар илгари бу дарёда бир йигит яшаган ва бу йигит дарёнинг ҳокими бўлган. Унинг исми Хубби бўлган. Хубби балиқ билан овқатланган, у бир қўли билан балиқни тутиб олар экан-да, уни қуёшга узатар экан, балиқ шу ондаёқ қовурилган экан. у етти юз йил давомида Амударёда яшаган ва бу вақт ичда ҳеч қандай ёвуз жин дарёга яқинлаша олмаган ва ҳатто бу вақтда чивинлар ҳам бўлмаган. Жамшид тахтга ўтирган вақтдан бошлаб, Хубби дом – дараксиз ғойиб бўлган. Уни осмон денгизи маликаси – гўзал бир киз ўғирлаб кетган деб ўйлайдилар. У ғойиб бўлгандан кейин Амударёда Хуббининг онаси пайдо бўлади. У узок вақт давомида йўлаб – йўлаб, ўз ўғлини қидиради. Ана шу Хуббининг онаси биринчи қайикни қурган ва халқни дарёда уришишга ўргатган. Сўнгра Хуббининг онаси бутунлай кетиб қолган. Чоғлар: «Илгариги вақтларда кемаларнинг бурнида шу хотиннинг ҳайкали ўрнатилган эди», – дейдилар. Сўнгра, мусулмонлар келгандан кейин улар бу одатга эътибор бериб, уни йўқ қилишни буюрганлар. Шу вақтдан бошлаб, бу ҳайкалнинг бошини кесиб ташлаганлар, фақат унинг икки соч ўрми қолган.

Минг йил давомида Хуббининг онаси аза тутган ва у билан бирга дарё, сахаро, тоғ ва қоялар йўлаган, одамлар, қушлар ва ҳайвонлар йўлаган, осмонда фаришталар, ер остида девлар йўлаган. Хубби тирик, у киёматгача яшайди, Хубби нажот берур, Нух мадад берур. Мана қандай куч бу муқаддас дарёга хомийлик қилади [1].

Академик Я.Ғуломов келтирган Хубби култи ҳақидаги бу афсона қадимги Хоразм воҳасида яшаган, касб – кори Амударёда кемачилик бўлган кишиларнинг мифологик тасаввурлари асосида юзага келган. Агар диққат қилинса, афсонадаги Хубби образининг тарихий асослари зардуштийликдан ҳам қадимги даврларга бориб тақалишини кўриш мумкин. Чунки унда айтилишича, афсонавий подшо Жамшид (Авестодаги Йима) тахтга ўтиргач, Хубби ўз – ўзидан ғойиб бўлади.

Мазкур афсона талқинини «икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас» тарзида эмас, балки, қадимги мажусийлик ўрнига зардуштийликнинг юзага келиши культларнинг ҳам алмашинишига олиб келди тарзида тушуномок керак.

Бунга Я.Ғуломов ҳам ўз асарида тасдиқлаб берган. Дарҳақиқат, у секин – аста Хуббининг тарихий шахсга айлантирилганлигини, яъни уни шайх Ҳаким ота Боқиргонийнинг ўғли сифатида талқин этувчи афсонани келтиради [2]. Бу нарса айрим культлар, авлиё ва анбиёларнинг

халқ ўртасида секин – аста аниқ даврларда маҳаллий шарт – шароитларда яшаган тарихий шахсларга айлантирилиши мавжуд ҳодиса эканлигини тасдиқлайди.

Хуллас, қадимги маҳаллий культлар ҳақидаги халқ афсоналари узок даврлар халқ ўртасида қайта – қайта ишланиб, ҳукмрон диний идеология таъсирида турлича диний талқин этилиб келинишига қарамай, улардаги бош ғоя, персонажларнинг вазифалари ўзгармай қолаверади. Эр Хубби култи ҳақидаги афсона эса бунинг ёрқин далили бўла олади. Албатта, қадимий культлар ҳақидаги афсоналар, жуда кўп, лекин улар мавзумизга у қадар алоқадор бўлмаганлиги сабабли биз юқоридаги биргина манбани келтириш билан чекланамиз.

Исломга алоқадор авлиё ва анбиёлар ҳақидаги афсоналар. VII асрда Ўрта Осиё араблар томонидан истило қилинган, улар ерли халқларни зўрлик билан исломлаштириш сиёсатини олиб бордилар. Энди араб босқинчилари халқнинг на моддий турмушида, балки, маънавий ҳаётида ҳам ўз таъсирини ўткази бошлади. Худди мана шу даврлардан бошлаб, халқ афсоналарининг аксариятида исломга мансуб авлиё ва анбиёларни ўзининг бош қахрамонларига айлантириб талқин этиш бошланган бўлса, айрим афсоналар эса бевосита мусулмон мифологиясидан маҳаллий шарт – шароитларга мослаштирилган ҳолда фольклоримизга кириб келди. Нух, Довуд, Иброҳим, Ҳазрати Али, Имом Ҳасан, Имом Ҳусан, Биби Фотима каби пайгамбар ва азизлар ҳақидаги бевосита исломга мансуб афсоналар мусулмон дунёсида, айниқса, Ўрта Осиёда жуда кенг тарқалди.

Бундан ташқари, Абу Ваққос, Исмамул ота, Султон Ваис, Абу Муслим, Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Тўрабек хоним, Пахлавон Маҳмуд каби йирик шайхлар, пахлавонлар ҳамда алломалар ҳақида ҳам гўзал афсоналар яратилганки, улар ўзларининг қилган ишлари орқали кишиларни ўз юртига, халқига муҳаббат руҳида тарбиялашга хизмат қилган.

Маълумки, ислом ўз ғояларини халқ ўртасида кенгрок ёйишда ана шундай улкан шахсларнинг ибратли ҳаётидан, фаолиятдан фойдаланган. Мана шундай афсоналар этнограф Г.П.Снесарев томонидан махсус тадқиқ этилган [3].

Ўрта асрлар Ўрта Осиё тарихида улкан мавқе эгаллаган шахслардан бири - йирик шайх Кубровия номли дарвешлик тарикатининг асосчиси, Нажмиддин Кубро (XII–XIII асрлар) мўғул истилолари вақтида кўрсатган жасорати билан халқ орасида афсоналарга айланган. Унинг шахсиятини ва қилган ишларини улуғловчи кўплаб афсоналар мавжуд. Биз эса унинг йирик устоз шайх сифатидаги шахсини улуғловчи Г.П.Снесарев келтирган бир афсонани келтиришни лозим топдик. «Айтишларича, Нажмиддин Кубронинг ўн икки яшар Жамилжон деган бир шогирди бўлган экан. Шайх йўқлиги пайтида подшоҳ жаллодлари келиб, болаининг қўлларини боғлаб, Амударёнинг ёқасига олиб борадилар ва бошини танасидан жудо қилиб, дарёга улоқтирадилар. Шайх уйига қайтиб келгач, Жамилжонни кўрмайди. Шунда шогирдининг ўлдирилганини у юракдан сезади ва югуриб Амударё ёқасига келиб, шогирдини чақира бошлайди. Шунда Жамилжон кесилган бошини қўлига қисиб, бир қўлида офтобда устозининг таҳорати учун сув олиб, дарёдан чиқиб келади. У ўлик ҳолида ҳам ўз устозига хизматга тайёр туради.

Хоразмшоҳ кейинчалик шайхдан ўз қилмиши учун кечирим сўрайди ва бу гуноҳини кечириб юбориш учун шайхга бир қилич ва олтин совға қилади. Нажмиддин совғаларни қабул қилмайди, шохни қарғайди. Бегуноҳ Жамилжоннинг ўлимига жазо сифатида Хоразмга мўғуллар бостириб қиради ва Урганчи вайрон қиладилар» [4].

Кўриниб турибдики, шайх Нажмиддин Кубронинг шахсиятини улуғловчи афсона хотимаси мамлакат сиёсий тарихида рўй берган улкан тарихий воқеалар билан боғланган ҳолда талқин этилган. Бу факт, бир томондан, халқнинг ўз шайхига нисбатан иззат – ҳурмати, эътиқоди юксаклигидан далолат берса, иккинчи томондан, унинг мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётида тутган юксак мавқеидан маълумот беради. Шу сабабдан афсона хотимасида мўғул босқинчиларининг Хоразм элини вайрон этганликлари ҳам Нажмиддин Кубронинг қарғиши билан боғланиб изоҳланган.

Бундан келиб чиқадики, асосий ҳулоса шуки, ислом дини билан боғлиқ афсоналарнинг қахрамонлари хоҳ уйдирма, хоҳ тарихий шахслар бўлсин, ҳамма вақт диний идеологияни ҳикоя

этувачи, унинг зафари учун курашувчи фидойилар сифатида тасвирланган. Бошқача айтганда, афсона тарихий – сиёсий ҳаёт билан шу қадар сингишиб кетганки, уларда қаерда тарих

бошланиб, қаерда соф афсонавийлик бошланганлигини қўп ҳолларда фарқлаш қийин бўлиб қолади.

Адабиётлар

1. Ғуломов Я.Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. -Тошкент: 1959, 32-б.
2. Ғуломов Я.Ғ. Кўрсатилган асар, 32-33-б.
3. Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. -М.: 1983.
4. Снесарев Г.П. Кўрсатилган асар, 147-б.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек халқ афсоналарининг келиб чиқиши, уларнинг асоси ва замонлар оша тарихий воқелик билан боғлиқ ҳолда ривожланиши масалалари қаралган. Бу афсоналарнинг културалар билан боғлиқлиги ва улар кейинги даврларда диний ташвиқот воситасига айланиши тарихий воқеалар фонида исботланган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются источники узбекских народных легенд, их развитие и связь с историей народа. Автор статьи изучает также связь легенд с народными культами, которые в последнее время используются как средства религиозной пропаганды.

SUMMARY

The article deals with the origins of Uzbek folklore legends, their development and links with the history of the people. The author of the article also studies the links of legends with the people's cults, that are used as a means of religious propaganda last time.

ХАЛЫҚТЫҢ КӨРКЕМ МИЙРАСЫН БАХАЛАЎДЫҢ БАЗЫ БИР МӘСЕЛЭЛЕРИ

(«Шәрияр» дәстаны мысалында)

Ш.Кеңесбаева - магистрант

Бердақ атындағы Қарақалпақ мәмлекетлик университети

Таянч сўзлар: бадий мерос, «Шарёр» достони, генезиси, жанр хусусияти, тарихий генетик типология, типология ва миллий хусусият.

Ключевые слова: творческое наследие, дастан «Шарьяр», генезис, особенности жанра, историческая генетика типологии, типология и национальные особенности.

Key words: creative heritage, epos «Shariyar», genesis, peculiarities of the genre, historical genesis of typology, typology and national peculiarities.

Қарақалпақ халық аўызеки көркем мийрасларын, соның ишинде дәстанларымыздың хасыл дүрданаларының бири болған «Шәрияр» эпосын миллий идеялар көзқарасынан илимий хўждан менен объектив бахалаўға шақырыўға қаратылған усы эссеңиң аргументлерин анықлаў ушын материаллар излеп, әдебий-көркем, илимий-теориялық әдебиятларды оқып, салыстырып-сайғарыстырып пикир жүрте баслағанымызда, дәстанның көпшилик мәселелери еле изертленбеген, бирақ изертлениўи, әсиресе, илимий хўждан көзқарасынан қайта бахаланыўи оғада зәрүр басы ашық тың машқалалар, ал, изертленген мәселелери де елеге шекем ужыбатлы бир тоқтамаға келинбеген, бир-бирине мирдин оғындай шаншылып турған қарама-қарсы тартыслы пикирлер екенлигин сезип ҳайран қаласаң...

Неге десеңиз, бириншиден, қарақалпақ фольклортаныў илиминин пайда болғанына сәл-кем жүз жыл толайын деп турғанына, эпостаныў - сол илиминин ең күшли раўажланған тараўи болыўына, сол тараўда тек Қарақалпақстанға ғана емес, пүткил Өзбекистанымызға, ҳәтте, айырымлары жәхәңге белгили Н.Дәўқараев, Қ.Айымбетов, Н.Жапақов, И.Сағитов, М.Нурмухаммедов, Қ.Мақсетов, С.Бахадырова, Ю.Пахратдинов, К.Алламбергенов усаған илим докторлары, профессор, академиклерден, Ә.Алымов, А.Әлиев, Т.Тәжимуратов, М.Нызаматдинов, Н.Камалов, Т.Ниятүллаев, Ж.Хошнәзиев, К.Палымбетов, Ж.Нызаматдинов, С.Қазақбаев, С.Баўетдинова, Х.Жақсымова сыяқлы илим кандидатлары, доцентлерден ибарат үлкен-киши әўлад шынжырма-шынжыр дәстүрий мектеп болып тәрбияланып қәлиплесиўине, сол илиминин бир тамшысы - «Шәрияр»таныў өткен әсирдин 30-жылларының ақырынан баслап қарақалпақ фольклортаныўының әҳмийетли мәселелеринин бири болып көлденең келип шығыўына, анығырағы, «Шәрияр» дәстанының бир варианты - Әбдирейим-жыраў вариантының Х.Тәжимуратов хәм К.Әбийбуллаевлар тәрәпинен Шымбай районында жасаўшы жыраўдың өз аўзынан 1939-жылы-ақ жазып алыныўына, мине, сол жыллардан баслап дәстан илимде басқа халықларда альтернативасы жоқ «Қыркыз», «Мәспатша» дәстанлары қатарында қарақалпақ халқының оригиналь-төл мийрасы сыпатында үгит-нәсиятланып, изертленип, рус хәм туўысқан халықлар арасында қарақалпақ халық дәстаны сыпатында тән алынып келиниўине, атап айтқанда, дәстанның Қуламет - жыраў вариантының белгили шайыр Сергей Северцевтин аўдармасында 1971-жылы орыс тилинде Москвада, 1977-жылы Өзбекистан хәм Қарақалпақстан халық жазыўшысы, Өзбекистан мәмлекетлик сыйлықларының лауреаты, көрнекли шайыр-жазыўшы хәм белгили дилмаш Мухаммед Әлий тәрәпинен өзбек тилинде аўдармаланып, әжайып қарақалпақ халық дәстаны сыпатында жәхәңге жар салыныўына, ең баслысы - дәстан ҳәзирги кең қамтымлы, бай мазмунлы толысқан эпос тәрәзинде ең әйемги дәўирлерден тартып соңғы бир неше жүз жыллықлар ишинде қарақалпақ фольклорлық ареал аймағында тек ғана қарақалпақ жыраўлары тәрәпинен дәрәтиләп, қарақалпақ халқының барлық қатламлары арасында кеңнен тарқалыўына қарамастан, дәстан машқалалары ҳаққында фольклористикамызда бүгінги күнге шекем хәр қыйлы қарама-қарсы пикирлердин өмир сүрип келиўи хәм ҳәзирги күнде бундай пикирлердин кем-кемнен ҳәўиж алып баратырғанлығы бизди ҳайран қалдыра-

ды. Бундай қарама-қарсы пикирлер тийкарынан, дәстанның төменде атап өтилген мына машқалалары әтирапында ҳүким сүрип турғанлығы бүгінги күнде кәниге дәстан изертлеўшилер тўёе, қалың халық массасына да бес ененден белгили болып қалғанлығы ҳеш кимге сыр емес:

1. Дәстанның генезиси келип шығыў дереги ҳаққында;
2. Дәстанның жанрлық өзгешелиги ҳаққында;
3. Ақыр-аяғында бундай шәлкем-шәлис, субъектив пикирлердин бир ушы қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дың миллийлиги хәм оригинальлығына шек келтирүи мәселесине барып тақалғанлығы ҳаққында.

Усы үш мәселениң ири баслылары - биринши хәм үшинши машқала әтирапында өз пикиримизди ортаға салатуғын болсақ, айырым илимпазлар «Шәрияр» дәстанының мазмунына арқаў болған ертеклик сюжетлер басқа халықлардан аўысып келген көшпели сюжетлер» деген пикирди көзгир етип, қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр» қарақалпақлардын Хорезм дәўиринде, Хорезм фольклорлық ареал орталығында XVIII-XIX әсирлерде пайда болған деген пикирди тастыйықлағысы келеди.

Екиншиден, бундай идеяны алға сүриўши илимпазлар «Шәрияр» дәстанына усақ сюжетлердин түрк ертеги «Дилрукеш»те де, басқа да осетин, қазақ ертеклеринде бар екенлигине тийкарысыз тийкарланып, қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»дың толысқан бир тутас эпос формасында тек қарақалпақ халқында ғана қәлиплескен оригиналь хәм миллий дәрәтпе екенлигине өзлери сезбеген ҳалда шек келтирип атырғанлығын сездиреди.

Биз бундай пикирлердин бир тәрәплеме айтылған субъектив пикирлер екенлигине ҳеш гүман туўдырмаймыз. Булай дәўимиздин себеби, мифлик сана - адам ақыл-хуўшының ең ертедеги формасы болғанындай, сол сананың туўындысы болған мифлик-ертеклик формадағы «Шәрияр» дәстаны да «қарақалпақлардың ең ески заманлардан киятырған мийрасы» [1:103-105].

Екиншиден, бул пикир қарақалпақ фольклористикасында Н.Дәўқараев, М.Нурмухаммедов, И.Сағитов, Қ.Мақсетов, Ә.Алымов сыяқлы эпостаныўшылардың пидәкерли илимий мийнетлеринин арақасында әлле қашан-ақ турақласып, илимий аксимоға айланған.

Үшиншиден, бир халық дәрәтпесине усақ сюжетлердин екинши бир халық дәрәтпелеринде болыўы-сол халықлардың тарийхый-генетикалық, тарийхый-мәдени байланысларынан дәрәк беретугын қубылыс. «Сонлықтан түрк ертеги «Дилрукеш»ти, сондай-ақ, осетин, қазақ ертеклерин қарақалпақ дәстанының мазмунынан алынған, ямаса қарақалпақ халық дәстаны «Шәрияр»ды сол ертеклерден (ямаса қарақалпақ халық эпосы «Шәрияр»ды Хорезм фольклорлық ареалындағы қитабий-қысса вариантлардан - Ш.К.) келип шыққан деп айтыў қыйын. Деген менен, олардың генетикалық байланысларын ҳеш қашан бийкарлап болмайды [2:82].

Төртиншиден, бундай сюжетлик жақынлықлар хәм образлар типологиясы олардың өз алдына миллий дәрәтпе екенлигине нүксан келтирмейди, керисинше бул факт «Орайлық Азия халықларының бир қатар шығармаларының дәрәгинин бир екенлигин айтыўға тийкар бола алады» [3:87].

Бесиншиден, «Дәстан Хорезмдеги қыссаханлар репертуарлары арқалы қарақалпақ жыраўлары репертуарына өтип,